

DOI: 10.5281/zenodo.15696802

Link: <https://zenodo.org/records/15696802>

ХҮЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА КАПИТАЛДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

ТДИУ "Умуниқтисодий фанлар" кафедраси

к.ўқ. Д.А.Юлдашева

Аннотация. Уибу мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида капиталдан фойдаланиши самарадорлигини баҳолаш масалалари таҳлил қилинган. Капитал иқтисодий ривожланишининг асосий омили сифатида кўриб чиқилиб, унинг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар (*ROE, ROA, капитал айланиши, ROI*) илмий-амалий асосда таҳлил қилинган. Мақолада жаҳон ва миллий иқтисодиётдаги илмий ёндашувлар ҳамда амалий мисоллар асосида капитал фойдалилигини аниқловчи омиллар ўрганилган. Таҳлил натижаларига кўра, хўжалик субъектларида капиталдан фойдаланиши самарадорлигига ички (ишлаб чиқарии салоҳияти, харажатлар бошқаруви) ва ташки (молиявий муҳим, инвестициявий имкониятлар) омиллар таъсир кўрсатилиши аниқланган. Шу билан бирга, соҳага оид муаммолар ва капитал самарадорлигини оширишига қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ключевые слова. капитал самарадорлиги, инвестицияларнинг рентабеллиги, хўжалик юритувчи субъектлар, инвестиция фойдалилиги, иқтисодий таҳлил, капитал айланмаси.

Кириш. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда капиталдан унумли ва мақсадли фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Капитал нафақат ресурслар манбаи, балки корхона ривожининг истиқболли йўналишларини белгилаб берувчи, инвестициявий фаолликни таъминловчи ва ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилувчи асосий иқтисодий омилдир.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва инвестиция муҳитини яхшилаш орқали хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилмоқда. Шу билан бирга, капиталдан фойдаланиши самарадорлигини аниқлаш ва унинг яхшиланишини таъминловчи методик ёндашувларни такомиллаштириш талаб этилади.

Адабиётлар шарҳи. Капитал самарадорлигини баҳолаш борасида жаҳон ва миллий даражада турли илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, П. Самуэльсон ва В. Нордхаус ўз ишларида капиталнинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини таъкидлаб, унинг айланиши, қайтиши ва ишлатилиши самарадорлигини ҳисоблаш формулаларини келтирган[1], Д. Солоунинг неоклассик модели капитал ва меҳнат ресурсларини иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари сифатида баҳолайди[2], Р. Брейли ва С. Майерс молиявий бошқарув назариясида капитал тузилиши, рентабеллик ва инвестицион самарадорликни таркибий жиҳатдан таҳлил қиласидар[3], Миллий тадқиқотчилардан А. Хакимов, Ш. Абдурахмонов, З. Юнусхўжаев капиталдан фойдаланиши амалий таҳлил қилиш, хусусий сектордаги капитал айланмаси, инвестиция оқимларининг самарадорлиги бўйича илмий асосланган моделлар таклиф этганлар[4].

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, капиталдан фойдаланиши самарадорлигини баҳолашда универсал ёндашув мавжуд эмас. Бу масала

корхонанинг хажми, соҳаси, фаолият тури ва бозор шароитига қараб фарқ қиласиди. Шу сабабли, ҳар бир субъект учун мос моделлар ва кўрсаткичлар танланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Капитал самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари доирасида қуйидагиларни кўриб чиқамиз:

1-жадвал

Капитал самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари[5]

Кўрсаткич номи	Формула	Таҳлилий аҳамияти
ROE (Return on Equity)	Соф фойда / Ўз капитал	Капиталдан фойдаланишдаги рентабеллик
ROA (Return on Assets)	Соф фойда / Умумий активлар	Активлар самарадорлиги
Капитал айланиши	Даромад / Ўз капитал	Капитал фаоллиги
Инвеститция фойдалилиги (ROI)	Соф фойда / Инвеститция харажатлари	Инвестиция самарадорлиги

Капитал тузилишида қарз маблағлар улушининг ошиши фойдалилик даражасини пасайтириши мумкин, айрим хўжалик субъектларда капитал айланмаси секин бўлиб, инвестициядан қайтиш муддати узайиши мумкин, молиявий таҳлилни SWOT ва BSC каби стратегик баҳолаш усуллари билан боғлаш мақсадга мувофиқдир.[7]

2-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларни капиталдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари[6]

Йил	Соф фойда (млн сўм)	Ўз капитал (млн сўм)	ROE (%)	ROA (%)	Капитал айланиши
2022	3 200	10 000	32.0	18.5	2.2
2023	3 700	11 500	32.2	19.0	2.3
2024	4 200	12 800	32.8	19.5	2.4

Кўриниб турибдики, капиталдан фойдаланишдаги рентабеллик барқарор ўсиб бормоқда. Бу эса субъектнинг ички бошқарув механизмлари, харажатлар оптималлашуви ва инвестиция қайтарувчанлигининг юқорилигини кўрсатади. Ҳар бир кўрсаткични ўзгариши ортида аниқ бошқарув стратегиялари ётади.

Хуроса. Хўжалик юритувчи субъектларда капиталдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш, инвестицион қарорлар қабул қилиш ва стратегик ривожланиш йўналишларини белгилашда мухим роль ўйнайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, самарадорликка таъсир этувчи омиллар бир нечта бўлиб, уларни аниқ ҳисоблаш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Илмий ва амалий ёндашувлардан фойдаланиш орқали ташкилотлар капиталдан фойдаланиш сифатини яхшилаши, капитал айланишини тезлаштириши ва узоқ муддатли рентабелликка эришиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

- Samuelson P., Nordhaus W. *Economics*. McGraw-Hill, 2010.
- Brealey R., Myers S. *Principles of Corporate Finance*. McGraw-Hill, 2016.

3. Solow R. *A Contribution to the Theory of Economic Growth.* The Quarterly Journal of Economics, 1956.
4. Хакимов А.Р. «Микроиктисодиёт асослари». Т., 2021.
5. Муаллиф ишланмаси.
6. Муаллиф ишланмаси.
7. OECD Reports on Capital Efficiency (2020–2023).